

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 8 сентябрь • сешанба • № 98 (4383)

Кўёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Пахта – 2020

Йиғим-терим бошланди: МАВСУМ ҚАНДАЙ ЎТАДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Пахта мавсумига тайёргарлик, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида кўрилатган чоралар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда ҳеч бир ёлланма ишчи шартномасиз теримга жалб қилинмаслиги, бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қасаба уюшмалари Федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўртасида кўшма ҳужжат имзолангани, унга асосан низоми ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

лиев мавсумда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан миллий мониторинг ўтказилиши, шу билан бирга, Федерацияда кун-у тун фаолият кўрсатадиган 10-92 қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га бу борадаги ҳар қандай масалада мурожаат қилиш лозимлиги, аниқланган муаммолар юзасидан зудлик билан чора кўрилишини маълум қилди.

лар. Ёлланма ишчилар бригадаларга бириктирилади. Ҳар бир бригада 50-70 кишидан иборат бўлади. Бошқа ҳудудга бориб ишловчилар учун барча шароитлар яратилади. Ётоқ жой, овқатланиш ва бошқа ишлар талаб даражасида бўлади. Шартномаларни расмийлаштиришни маҳаллий бандлик, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари амалга оширади.

1092 ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШНИЛ ҚИЛИНГАН. ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 – ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

Меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қасаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъи назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Тадбирда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмад

Салим АБДУРАҲМОҶОВ, «ISHONCH»




7 сентябрда 329 та мактаб фаолиятини бошлади, дея хабар бермоқда Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати.

Санитария-эпидемиология ва осойишталик марказлари 5 сентябрда қадар мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлик ҳолатини ўрганиб, жамоага қўшимча ўқув-тренинглар ўтказди, бундай тренинглар давом этмоқда.

Санитария-эпидемиология ва осойишталик марказининг ҳулосаси асосида маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлири томонидан қабул қилинади. Янги 2020-2021 ўқув йили расман жорий йилнинг 14 сентябрь куниндан бошланади.

Монидан ўтказилган сўровномада 5 миллион 500 минг ота-онадан 76 фоизи таълим жараёнини мактабга қатнаган ҳолда, яъни анъанавий шаклда олиб бориш тарафдорли бўлган, 24 фоизи эса масофавий шаклда – теледарслар орқали давом эттиришни маълум қўрган.



«Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдуллазиз Комилов Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Жайхун Байрамов билан телефон орқали мулоқот қилди.



Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Фен инглиз тилида нашр этиладиган «The Korea Times» газетасининг янги тайинланган президенти Ох Ёнг Жин билан учрашди.



«Ўзбекгидроэнерго» ва Осиё тараққиёт банкнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ўртасида заём келишув имзоланди.



«Ўзстандарт» агентлиги ва Европа Стандартлаштириш Ташкилоти (CEN) ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди.



Россиялик режиссёр Артём Михалков «Мистер Нокаут» фильмининг ижодий жамоаси билан тасвирга олиш жойларини кўриш учун Ўзбекистонга келди.



Навоий шаҳрининг «Янги-арик» маҳалласи ҳудудида 60 ўринли замонавий меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

Келгуси сонларда ўқинг...

Хўжайлининг янги дарвозасида кўкна тамаддун акси

Одобли бола осмондан тушмайди

РЕСПУБЛИКА МАХСУС КОМИССИЯСИ ЭЪТИБОРИГА!

Бекор бўлган дезинфекция туннеллари:

ШУНЧА ВАҚТ ВА МАБЛАҒ БЕСАМАР САРФЛАНГАНМИ?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги дезинфекция туннеллари коронавирга қарши курашда фойда бермаслигини тан олди. Энг ачинарлиси, ушбу профилактик чора инсон организмга салбий таъсир қилиши мумкин экан. Бу ҳам маъруза ташкилот вакиллари



Cleaning and disinfection of environmental surfaces in the context of COVID-19. Interim guidance. 15 May 2020. World Health Organization.

Нахотки, шунча вақт таҳминга ишондик... Агар бунга дунё олимлари-ю соғлиқни сақлаш ташкилотлари кеча иқдор бўлишса-ю, бизниқилар ҳам қўшилса, алам қилмасди. Аммо бу иқдорга ЖССТ бундан тўрт ой олдин келганди...

таларни кўча ва ёпиқ биноларга сеппи коронавирга қарши курашда самарасиз экани ва аксинча, бундай амалиёт кўз, нафас олиш органлари ва терига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини маълум қилган. Хусусан, унда дезинфекцияловчи воситаларнинг одамларга (масалан, дахлизлар, хоналар ва биноларда) сеппилиши ҳеч қандай ҳолатда тавсия қилинмаган. Бу жисмоний ва руҳий нуқтаи назардан зарарли ҳамда касаллик юқтирган одамдан ҳаво-томчи

йўли ёки тўғридан-тўғри алоқа қилишда инфекция тарқалишини камайтирмаслиги таъкидланган. Энди саволлар туғилади: Нега шу вақтгача мамлакатимиздаги деярли барча корхона ва ташкилотлар, тиббиёт муассасаларига кириш жойлари ушбу туннеллар билан деярли тўлиқ жиҳозлаб келинди? Шу вақтга қадар – миллионлаб пул сарф этилгунча нега ушбу маълумот эътиборга олинмади?

Хўш, ҳар ахборотида ЖССТ тавсияларига таянишни ишантириб келаётган ССВ нега бу борада тўрт ой сукут сақлади? Бефойда қурилмаларга сарфланган пуллар учун ким жавоб беради?

Давронбек ОРИПОВ, «ISHONCH»








# ТОШКЕНТ ЙЎЛЛАРИДА «АВТОМОБИЛДАН САҚЛАНИНГ!»

— — — ёхуд пойтахтнинг автотураргоҳсиз кўчаларига назар — — —



Айни вақтда азим Тошкентда мислсиз бунёдкорлик кетмоқда. Ҳар қадамда қурилиш десак ҳам лоф бўлмас. Албатта, янги бинолар, йўллар, кўприклар қурилгани нур устига нур...

Аммо танганинг икки томони бўлганидек, ақсар ҳолларда мазкур қурилишлар то битиб, фойдаланишга топширилгунча одамлар, айниқса, ҳайдовчиларга жабр бўлмоқда. Аранг манзилга етиб келганда, ўлганнинг устига тепган қилиб, йўл ёпиқ бўлади, очиқ бўлса ҳам, автоуловга жой тополмай сарсон бўлаётганлар қанча... Ҳаммаёқда тақиқловчи белгилар. Автотураргоҳлардан эса асар ҳам йўқ.

Очилишни айтиш жоиз, пойтахтнинг қайсидир ҳудудида йўл ёпиқ қуриладиган бўлса, албатта, ўша жойда тирбандлик ҳосил бўлади. Оқибатда эса кимдир шифохонага, яна биров бошқа манзилга етиб боролмай ҳалак...

Таомилга биноан, ҳар қандай қурилишдан олдин, айниқса, йўл қурилиши ёки таъмирлаши муносабати билан бошқа муқобил вариантларни яратишни ўйлаш керак. Ҳар ҳолда, хориз тажрибаси шундай.

Бизда-чи? «Йўл таъмирлаши ёки кўприк қурилиши муносабати билан юзага келган ноқулайликлар учун узр сўраймиз» холосми?..

Масалан, Юнусобод тумани Амир Темур шоҳ кўчасидаги иккита автотураргоҳ хоризи инвенторга берилди. Оқибатда шу атрофда ишлайдиганларнинг эрталабки асосий муаммоси машинаси учун жой топишга айланди. Бунинг устига, ҳар қадамда тақиқловчи белги ва назорат. Мумкин бўлмаган жойда қолдирилган машиналар овланади. Ваҳоланки, ҳаракат гавжум бозор атрофларида, машиналар тирбанд кўчаларда ақсарият ҳолларда ДАН ходимини излаб тополмайсиз.

Бундай ҳолатларни бошқартиришни исталган ҳудудида учратиш мумкин.

Афсуски, бугун Тошкентнинг қиёфаси шундай...

Айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, ҳар қандай қурилишдан олдин масаланинг шу томонларига эътибор қаратиш зарур. Қурилиши? Унда, марҳамат қилиб, ҳайдовчилар ҳаракатланиши учун бошқа шароитларни ҳам яратиш керак. Бутун бошли пойтахтда санасангиз бармоқ ортиб қоладиган автотураргоҳлар бор. Афсуски, уларнинг ҳам сони кундан кунга камайиб бормоқда.

Бу масала билан бошқартиришда ким шуғулланади? Пойтахтда аҳолини ҳам ўйлайдиганлар бормикан? Агар бўлса, улар қани? Улар нега жим?..

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,  
«ISHONCH»

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi

ISSN 2010-1008

2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
116-рақам билан  
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир хайъати:

- Қудратилла РАФИҚОВ  
(тахрир хайъати раиси),  
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,  
Анвар АБДУМУХТОРОВ,  
Сайфулло АҲМЕДОВ,  
Акмал САИДОВ,  
Равшан БЕДИЛОВ,  
Қутлимурот СОБИРОВ,  
Сухроб РАФИҚОВ,  
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,  
Ҳамидулла ПИРИМКУЛОВ,  
Ноҳира КАРИМОВА,  
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,  
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),  
Темур МАМАЖОНОВ,  
(Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),  
Меҳриддин ШУКУРОВ,  
(Масъул кاتب – «Ishonch»),  
Валентина МАРЦЕНЯК  
(Масъул кاتب – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир  
Ҳусан ЭРМАТОВ

- Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари хайъти –  
(71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро хайъти –  
(71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт –  
(71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш –  
(71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна –  
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

- Ҳудудлардаги муҳбирлар:  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилган шарт.

Муаллифлар фикри тахрирнинг нусхаси назардан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:  
С. Абдурахмонов

Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдуҷалилов

Мусахҳиш:  
Д. Орипов

Босишга топшириш вақти – 22:55  
Топширилди – 23:20

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Г – 917.  
27841 нускада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Баҳорис келишилган нарҳда

Манзилимиз:  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shagʻ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Корхона манзили:  
Буёқ Тўрон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТІР: 201133889,  
ОКЭД: 58130